Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918—1920 й.) «Қизил байроқ» (1920—1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й.). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 50 (21. 169) 1992 йил 11 март, чоршанба ● БАҲОСИ 1 СЎМ.

● Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо этилгани халқимизнинг мустақиллик йўлидаги орзу-умиди ушалаётганидан далолатдир.

● Дунёнинг 103 та мамлакати Ўзбекистон Республикасини расмий равишда мустақил деб тан олди.

● Хазинамизга хазина қўшилаётир — Наманганда нефть кони топилди.

1-БЕТ

● Партия аъзоларининг фаоллиги, дастурий вазифаларни бажаришда уларнинг фаол иштироки уларни уюштириш шаклларига боғлиқ. Гулистон тикувчилик бирлашмасида шу йўлдан борилаётир.

● Дўст синовда билинади. «Ўзбекистон овози» жамғармасига маблағ ўтказаётганларга раҳмат!

2-БЕТ

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

● 21 март — Наврўз байрами. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси «Мустақиллик, тинчлик, меҳр-шафқат» ҳайрия ҳашари ва телемарафонини ўтказиш ҳақида қарор қилди. Шодиёнага тараддуд кун сайин авж олаётир.

● «Миллатим — жоним менинг!» — деган эди Туркистоннинг улуғ ватанпарвари Муҳаммадаминбек Аҳмадбек ўғли. Эълон қилинаётган очеркда унинг ҳаёт йўли билан танишасиз.

3-БЕТ

● Туркиялик биродарлар билан Истанбулда самимий учрашувлар.

● Халқ истеъмоли буюмлари тайёрлаш кўпаймоқда.

4-БЕТ

ЧИН ДИЛДАН ҚУТЛАЙМИЗ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул қилинганлиги муносабати билан самимий қутлов ва табрикномалар келмоқда.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом КАРИМОВга.

Биз Ўзбекистонда яшаётган қирғизлар мустақил Ўзбекистон давлатимизнинг бошқа мустақил республикалар қатори Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзолиққа қабул қилинганлигидан беҳад ҳурсандмиз. Биз ана шу тарихий воқеа билан республикада истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларни чин қалбдан табриклаймиз.

Ҳаёт янгиланишининг рамзи бўлган муқаддас Наврўз арафасида Ўзбекистонимизнинг кўп асрлик тарихида янги саҳифа очилганидан чексиз фахрланамиз. Бу ўлка, саховатли ўзбек халқи кўнглининг кенглиги, дўстлиги ва инсонпарварлиги билан ҳамиша таҳсинга сазовор бўлиб келган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги қароргоҳи биноси ёнида кўтарилган Ўзбекистон миллий байроғи абадий ҳилпирайверсин. Ишонамизки, минг йиллик бой маданиятга эга бўлган кўп миллатли Ўзбекистон халқлари умумбашарий қадриятларнинг жаҳоншумул хазинасига муносиб ҳисса қўшадилар.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, Сизга сиҳат-саломатлик ва ватан равнақи йўлидаги ишингизда муваффақиятлар тилаймиз.

Ўзбекистонда яшаётган қирғизлар номидан Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Хидир Шукуров, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида яшаётган қирғизлар маданий марказининг раиси Аброр Каримов.

* * *

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, Урганч шаҳрининг Эгам Раҳимов номли 11-маҳалла аҳолиси жумҳуриятимизни Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилинганлиги билан Сизни самимий табриклайдилар. Ўзбекистоннинг порлоқ келажаги, халқнинг фаровон турмуши учун олиб бораётган ишингизга муваффақиятлар, ўзингизга сиҳат-саломатлик тилайдилар.

Маҳалла аҳолиси номидан маҳалла комитетининг раиси, уруш ва меҳнат фахрийси Шержонов.

* * *

Қашқадарё вилояти меҳнаткашлари номидан сизни ва сиз орқали мустақиллик йўлида сабр-тоқат билан фидокорлик кўрсатаётган халқимизни тақдиримизда юз берган оламшумул воқеа — ватанимизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул этилганлиги билан муборакбод этамиз, — дейилади вилоят ҳокими Т. Хидировнинг табрикномасида. — Бу қутлуғ кун шубҳасиз тарих саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан ёзилади. Республикамиз келажаги, унинг ҳамжамиятда муносиб ўрин топиши йўлида улуғ аждодларимизнинг руҳи бизга ҳамиша мадакор бўлсин.

* * *

Ўзбекистон тупроғида уйғонаётган баҳорнинг илк кунларида, улуғ айём — Наврўз арафасида асрлардан буён мустақиллик орзу-ҳавасида бўлган халқимизнинг келажаги шарофатли нурларга йўғрилгани муборак бўлсин. Навоий вилояти аҳолиси Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлгани билан барча ватандошларимизни сидқидилдан қутлайдилар, — дейилган вилоят ҳокими А. Айдарқуловнинг қутловида. Вилоят меҳнат аҳли жамоалари, жами фуқаролари ўлкамиз осойишталигини таъминлаш, унинг мустақиллигини мустаҳкамлаш учун бор куч-ғайратларини ишга соладилар.

* * *

Ўлкамиз тарихида юз берган улуғ ва унутилмас воқеа — Ўзбекистон Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо этилгани меҳнаткаш халқимизнинг мустақиллик йўлидаги асрий орзу-умидлари ушалаётганидан далолатдир. Барчамизнинг қалбимиз фахр ва ифтихор туйғуларига тўлиб-тошган бугунги кунда Хоразм вилоятининг каттаю кичик барча аҳолиси қутловини қабул этгайсиз. Халқимизга доимо зафарлар ёр бўлаверсин, — деган сўзларни ўқиймиз вилоят ҳокими М. Жуманиёзов табригида.

(ЎзА).

● Бешариқ районидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида чигит экишга тайёргарлик қизғин бормоқда. Ғўзанинг «Фарғона—3» нави чигити экишга ҳозирлаб қўйилди. Ўтган йили хўжалик 6 миллион 400 минг сўм соф фойда олганди. Деҳқонларнинг даромади ҳам шунга яраша бўлди. Улар йил давомида 7—13 минг сўмдан фойда кўришди.

СУРАТДА: илғор бригада бошлиғи Раҳимахон Қаҳҳорова.

Т. МАҲКАМОВ олган сурат (ЎзА).

● *Кўклам—меҳнат билан кўркам*

ТАРАДДУД

● Пахтакорлар баҳорни қандай қарши олишяпти? ЎзА иқтисодиёт таҳририятининг мухбири Қишлоқ хўжалик вазирлиги пахтачилик бошқармасининг бошлиғи Ренат Саидович НАЗАРОВДАН ана шу саволга жавоб беришини илтимос қилди:

— Кўпчилик майдонлар, уруғлик тайёрлаб қўйилган. Аммо уруғлик фондини вужудга келтириш, чунончи, уруғликни дорилаш ўтган йилдагига нисбатан секинроқ бораётгани ташвишлантирмоқда. Бу ишга масъул бўлган ташкилотлар молиявий қийинчиликлар муносабати билан химикатлар етишмаётганини рўкач қилишмоқда. Бу ҳақда олдинроқ ўйлаш, қатъийроқ бўлиш керак эди, шундай қилинганида пул ҳам, уруғликни микроорганизмлардан зарарсизлантириш, ҳосилнинг талайгина қисми нобудгарчилигига сабаб бўладиган гоммознинг олдини олиш чораларини кўриш учун маблағ ҳам топиш мумкин бўларди.

Нима қилиш керак? Айрим вилоятларда уруғликни анча оддий усулда дорилашяпти. Кейинги икки-уч йил ичидаги тажриба бу усулнинг самарали эканлигини кўрсатди: уруғлик 60 — 70 даражагача иситилган сувга 10 минут солиб қўйилади. Хом ва пуч чигит сув бетига қалқиб чиқади, улар олиб ташланади, шундан кейин қолган қиздирилган ва зарарсизлантирилган уруғлик қопларга солинади. Бор гап мана шу.

Дорилаш билан боғлиқ барча масалаларни ҳал этиш учун Қаршида семинар-кенгаш ўтказдик. Унда бизнинг вилоятлардаги вакилларимиз, жумҳуриятимизнинг етакчи мутахассислари иштирок этишди. Бошқа муаммоларни ҳам муҳокама қилдик.

Энди экиш хусусида. Экишни апрель ойининг учинчи ўн кунлигида бошлаш керак, деб ҳисоблайман. Зеро, шошма-шошарликка йўл қўйилаётганлиги сабабли ҳар йили қайта экишга, беҳуда меҳнат ва маблағ сарфлашга тўғри келяпти.

Бу йил пахта майдонларини қисқартириш йўли сақлаб қолинади. Озиқ-овқат ва ем-хашак экинлари экиш учун 50 минг гектарга яқин ерни бўшатиб бериш мўлжалланмоқда. Гап шундаки, ҳосилдорликни ошириш ҳисобига ўтган йилги даражани бемалол сақлаб қолса бўлади. Ўтган йилнинг кузида 4 миллион 646 минг тонна хом ашё олинди. Ҳосилдорлик эса гектар бошига 27 центнерни ташкил этди. Назаримда, бу йил ҳосилни ҳеч бўлмаганда бир центнер ошириш лозим бўлади. Бунинг учун эса уруғли ер, техникани ўз вақтида тайёрлаш, экиш муддатларига қатъий амал қилиш лозим.

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТИНИ ЖУМЛАИ ЖАҲОН БИЛАДИ

Шу кунларда Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов номига меҳнаткашлардан табрик телеграммалари тез-тез келиб турибди. Бу қутловларни халқ депутатлари ва ҳокимлар, деҳқон кенгашларининг раҳбарлари, саноат корхоналари ва давлат хўжаликларининг ишчилари, ташкилотлар ва идораларнинг хизматчилари, уруш ва меҳнат фахрийлари, қаҳрамон оналар, олий ўқув юртлари ва халқ таълими ходимлари, ёзувчилар, шунингдек, қўшни мустақил давлатларнинг фуқаролари йўллаганлар. Улар ўз телеграммаларида жонажон Ўзбекистонимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси этиб қабул қилинганлиги ҳақида, бу эса Ўзбекистон Республикаси солномасида ўчмас тарихий воқеа бўлиб қолажаги тўғрисида, БМТ қароргоҳида мустақил Ўзбекистон байроғи ҳилпираб турганлиги ҳақида ўзгача бир ғурур билан ёзганлар. Президентимизга сиҳат-саломатлик ва мустақиллик йўлида олиб бораётган ишларида катта муваффақиятлар тилаганлар.

— Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, — дейилади Ўзбекистон деҳқон уюшмаси кенгашининг раиси М. Исматовнинг табрикномасида. — Республикамиз жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли аъзоси этиб қабул қилинганлиги тўғрисидаги хушхабарни қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари катта қувонч билан кутиб олдилар. Бу Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини ошириш учун Сиз қилаётган сербарака меҳнат самарасидир.

Фарғона политехника институти Қўқон умумтехника факультетининг талабалари ва профессор-ўқитувчиларининг умумий йиғилиши номидан талабалардан А. Аҳмедов, А. Мелибоев, Ш. Жабборов, Э. Усмонов, профессор-ўқитувчилардан К. Ҳасановнинг мактубида жумладан бундай дейилади: «Сизни ва Ўзбекистоннинг кўпмиллатли халқини жумҳуриятимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул қилинганлиги билан табриклаймиз. Бу Ўзбекистонни мустақил давлат сифатида бутун дунёга танитиш борасида раҳбарият олиб бораётган ишининг меваси деб биламиз».

Ўзганлик қаҳрамон она Дилором Содиқова ўз қалб сўзларини бундай изҳор қилади: «Ҳурматли Президент Ислом Каримов, Сиз ва Сиз орқали бутун ўзбек халқини Ўзбекистон жумҳуриятини жаҳон ҳамжамияти аъзолигига қабул этилганлиги билан чин дилдан қутлайман. Истиқбол йўлида Сизга ва халқимизга улкан зафарлар тилайман».

Тошкент давлат консерваториясининг жамоаси ва раҳбарияти номидан ректор О. Юсупова, проректорлар Т. Ғафурбеков ва И. Налбандян, ёзувчи Мирмуҳсин, Совет обод шаҳрининг Анҳор кўчасидаги 7-уйда истиқомат қилувчи Маҳаммаджон Мамажонов, Хоразм вилояти Янги ариқ ноҳия халқ таълими бўлимининг мудири, жумҳуриятда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими Н. Асқаров ва бошқалар ҳам Президент И. А. Каримов номига табрик телеграммалари йўллаб, республикамиз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул этилганлиги билан самимий қутлаганлар ва ўзларининг энг яхши истакларини изҳор қилганлар.

Т. БОТИРБЕКОВ, ЎзА мухбири.

ЭЪТИРОФ

Ўзбекистон Республикасини дунёнинг 103 та мамлакати расмий равишда мустақил давлат деб тан олди.

Ўзбекистон Республикаси 14 та мамлакат: Венгрия, Вьетнам, Миср, Исроил, Хитой, КХДР, Корея Республикаси, Малайзия, Монголия, Саудия Арабистони, Туркия, Финляндия, Франция, Япония билан дипломатия муносабатлари ўрнатиш тўғрисидаги ҳужжатларни имзолади.

Ташқи ишлар вазирлигида Буюк Британия, Италия, Канада, Хитой, Нидерландия, АҚШ, Туркия, ГФР, Швеция ва Японияндан келган 63 мухбир қабул этилди.

Март ойининг бошларида республикага 1500 дан зиёд хорижий мутахассис келди, уларнинг кўпчилиги ҳиндистонликлар эди. ХХРлик меҳмонлар хусусий таклифлар билан Ўзбекистонга жуда кўп келмоқдалар. Хорижий талабалар ва стажерлар 283 кишини ташкил этади.

● ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ ХАБАРИ

ШАРҚШУНОСЛАР КЕНГАШИ

Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида илмий, адабий-бадиий, маданий меросимиз намуналарини асраш, нашр этиш ва оммалаштириш масалаларига бағишланган кенгаш бўлиб ўтди. Унда республикамизнинг таниқли олимлари шарқшунослик олдида турган муҳим масалалар, муаммолар, яқин келажакда амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар ҳақида фикр алмашдилар.

Кенгаш қатнашчилари республикамиз пойтахти Тошкентда ноёб қўлёзмалар хазинаси — «Мерос» масканини барпо этишни моддий таъминлаш мақсадида шу номдаги жамғарма таъсис этилганлигини маъқулладилар. Бу ерда жуда катта илмий, маданий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган нодир қўлёзмалар жамланади.

Кенгаш ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Самандаров қатнашди.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг БАЁНОТИ

«Известия» рўзномасининг 1992 йил 6 мартдаги 55-сонида А. Сичевнинг «Ўзбекистон чет элларда ўз манфаатларини ифодалашни Туркиядан сўрамоқда» сарлавҳали мақоласи эълон қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги қуйидагиларни билдириш ваколатини олган:

Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазирлиги ҳар қандай журналистнинг матбуот саҳифаларида исталган масала юзасидан ўз фикрини эркин баён этиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш билан бирга фактларни тўғри баён этишига умид қилишга ҳақлидир.

А. Сичевнинг мақоласида ихтиёрий ёки беихтиёр тарзда камида учта ноаниқликка йўл қўйилган, холислик манфаатлари йўлида шу ноаниқликларни тузатиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Муаллифнинг мақоласида қайд этилишича, Туркия ташқи ишлар вазири Х. Четин Ўзбекистонга ташрифининг натижаси «миллий кадрлар тайёрлашда Ўзбекистонга ёрдам бериш»дан ва «яқин вақт ичида дипломатия муносабатлари ўрнатиш ҳақида битим имзолаш»га розилик беришдангина иборат бўлган эмиш.

Ҳолбуки, айни шу ташриф чоғида 4 март куни Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Республикаси ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганлиги тўғрисидаги протокол имзоланди.

Мақоланинг сарлавҳаси музокараларнинг ва эришилган аҳдлашувларнинг маъмунини бирмунча сохталаштиради. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан Туркия Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ўртасида дипломатия соҳасидаги ҳамкорлик ҳақида шу йил 5 март куни имзоланган протоколнинг 2-моддасига биноан «мабодо, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги мурожаат этган тақдирда, Туркия элчихоналари ўзаро келишилган даврда муайян мамлакатларда Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқлари ва манфаатларини ифодалайди ва уларни ҳимоя қилади».

Муаллиф Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг сўзларини мисол қилиб келтирганида ҳам ноаниқликка йўл қўйди. Х. Четин билан суҳбат чоғида Ўзбекистон Президенти «Биз (Туркия билан Ўзбекистон) битта парламентда ўтирадиган вақт келади» деган гапни айтгани йўқ, балки айнан қуйидаги сўзлар айтилди: «...Туркия ва Ўзбекистон парламентлари ўзларининг қўшма сессияларини ўтказадиган вақт келади». Мана шу иккала ибора ўртасида жуда катта фарқ борлиги кўриниб турибди. Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги «Известия» рўзномасининг таҳририятига ўз ҳурматини бажо келтиради ва Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсат соҳасидаги ишларини аниқ ёритиш борасида биргаликда куч-ғайрат сарфланишига умид билдиради.

ХИТОЙЛИК ДИПЛОМАТ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазирлигида Хитой Халқ Республикасининг Тошкентдаги муваққат ишлар вакили Ли Чженьхуа қабул қилинди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Хитой ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганлиги икки томонлама анъанавий дўстлик алоқаларида янги саҳифа очажаги таъкидлаб ўтилди. Иккала томонни қизиқтирувчи турли муаммолар хусусида фойдали фикр алмашув бўлди. Хитойлик дипломат Ўзбекистон БМТ аъзолигига қабул этилганлиги муносабати билан ХХР ташқи ишлар вазири Цянь Ниченнинг самимий қутловларини топширди. ХХРнинг Тошкентдаги элчихонаси бундан буёнги фаолиятига доир баъзи масалалар ҳақида гаплашиб олинди.

(ЎзА).

НАМАНГАН «ҚОРА ОЛТИН»И

ВИЛОЯТДА КАТТА ЗАҲИРАГА ЭГА НЕФТЬ КОНИ ТОПИЛДИ

Бир неча кундан буён Наманган райони ҳудудида бульдозер, экскаваторлар тинним билмайди. Улар «Зарбдор» жамоа хўжалиги даласи бўйлаб ёйилиб оқаётган нефтнинг олдини тўсиб, сунъий ҳовузчалар барпо қилишяпти. Бутун диққат-эътибор нефть Сирдарё ва Қорадарё ўзанларига оқиб тушишининг олдини олишга қаратилган.

Ўзбек нефть бирлашмасининг Андижон қидирув пармалаш экспедицияси икки йилдан буён хўжаликнинг Орол участкасида қидирув ишлари олиб бораётган эди. Мутахассисларнинг фикрига кўра, пармалаш ишлари 5850 — 6000 метр чуқурликка етганда бирор натижа чиқиши кутилаётганди. Бироқ пармалаш жараёни 5237 метрга борганда катта босимда нефть фонтани отилиб чиқди.

— Вилоят ҳудудидан топилган нефть кони республикамиз халқининг миллий бойлигидир, — деди вилоят ҳокими Б. Рапиғалиев. — Конни ишга туширилиши Ўзбекистон иқтисодий қудратини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлади. Мутахассислар вилоятимиз заминида катта нефть запаси мавжудлигини таъкидлашмоқда. Ҳозирча бутун имкониятларимиз нефтни жиловлашга қаратилган. Шу кунларда 120 дан ортиқ махсус машиналар Фарғона ва бошқа нефтни қайта ишлаш корхоналарига «қора олтин»ни пешма-пеш ташишмоқда.

Энг муҳими, ёнғин олдини олишдан иборат. Бу ишларнинг ҳаммасини мувофиқлаштириб туриш бўйича вилоят ижроия комитети раиси муовини Т. Мақсудов бошчилигида штаб ишлаб турибди.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҲАММА ГАП ИШОНЧДА

ХДП: БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТДАН ХАТ

Партия ташкилотимизнинг юзага келганига беш ой бўлаяпти. Дастлабки ташкилий йиғилишимизни ўтказганимизда сафимизда ўттизга яқин аъзо бор эди. Ҳозир эса уларнинг сони 43 кишига етди. Оталиғимиздаги Ҳамза номли ўрта мактаб партия аъзолари ҳам бизнинг ташкилотимиз таркибида бўлиш истагини билдиришди. Ҳозир партия ташкилотимиз шаҳардаги энг йирик, ўз сўзи ва салмоғига эга бўлган ташкилотлардан бири бўлиб қолмоқда.

Энди икки оғиз сўз корхонамиз ҳақида. Унинг ташкил топганига чорак аср бўлаётир. Шу давр ичида у республика енгил саноатининг йирик тармоқларидан бирига айланди. Илгари корхонада беш юз — олти юз атрофида одам ишлаган бўлса, ҳозир бирлашмамизда 1,5 мингдан кўпроқ қизжувонлар меҳнат қилмоқда. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулот эса фақат ўзимиздагина эмас, қўшни жумҳуриятларда ҳам қўлма-қўл бўлиб кетяпти.

Тикувчилик бирлашмамиз қўриқ вилоят хотин-қизларидан малакали ишчи кадрларни етиштириб чиқаришда ўзига хос мактаб ролини ўтаётир. Ҳозир вилоятдаги турли шаҳар, қўрғон ва қишлоқларда корхонанинг олтита филиали ишлаяпти. Ховос районининг Баланчақир қишлоғидаги филиалимиз эса ўн-ўн икки йил мобайнида кенгайиб катта корхона даражасига етиб қолди. Ҳозир у ерда ҳам 400 га яқин қишлоқ қизлари саноат соҳасининг жонқуярларидан бўлиб қолишди. Бу эса ўзига хос катта тарбия мактабидир.

Боёвут районидаги «Боёвут» давлат хўжалигида очилган шоҳобчамиз ҳам қисқа вақт ичида икки баробарга кенгайди. Ҳозир бу ерда 70 нафар қишлоқ қизжувонлари тикувчилик касбини эгаллаганлар. Бирлашма ҳаётидан бундай ибратли мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ушбу мисолларни айтишдан мақсад шуки, бошланғич партия ташкилоти, шу ташкилот аъзолари олдида турган энг муҳим вазифалардан бири — биз ўзига хос ана шундай йирик бирлашманинг юзи, обрўйи ва албатта етакчилари бўлишимиз керак. Шундагина кўпчилик бизга ишонади ва сафимизга қўшилади. Бундай ишончни қозониш эса ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Бунинг учун атрофимиздаги кишилар, айниқса ёшлар билан ҳамиша мулоқотда бўлишимиз, қўлимиздан келганича уларнинг оғирини енгил қилиб, ёрдам бериб, суяб, дард ва хасратларига шерик бўлишимиз, энг яқин маслаҳатгўйлари бўлиб қолишимиз лозим. Бундай савобли ва хайрли ишлар эндиликда қуруқ гап билан эмас, балки амалий ишларда юзага келади.

Корхонанинг юзи деганда мен энг аввало одамларни тушунаман. Чунки ҳар қайси жамоа обрўсини бор қиладиган ҳам, йўқ қиладиган ҳам ана шу одамлардир. Шунингдек партия ташкилоти ҳам ўз аъзолари, одамлари билан кучлидир.

Учинчи агрегат тикувчиси Санобар Азимовани корхонада кўпчилик яхши танийди. Чинакам меҳнат илғори, ёшларнинг устози. У партия ташкилотининг суянган аъзоларидан бири. Ташкилотчиликда ҳам, жонкуярликда ҳам кўпчиликка намуна.

Бешинчи агрегат бошлиғи Жамила Содиқовани ҳам ҳар қайча мақтаса арзийди. Таниқли устозлардан бўлган бу аёл 25 нафар тикувчига бошчилик қилмоқда. У кўп йиллик стажга эга бўлган коммунистлардан эди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси тузилгач, биринчилардан бўлиб унга аъзо бўлди. Бошланғич ташкилотнинг энг фаол жонкуярларидан бири, ёшларни тарбиялашда, жамоат фикрини шакллантиришда ўз фикри ва салобатига эга.

Ташкилотимизда бундай обрўли жонкуяр кишилар оз эмас. Тикувчилардан Хурсаной Эгамқулова, Чиннигул Бурхонова ва ХДП аъзоси бўлган бошқа тикувчиларни ҳам бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Биз сафимизга яқинда бирлашмадаги илғор, фаол жамоатчи қиз-жувонлардан яна 8 нафарини қабул қилдик. Шуларнинг бири — Фотима Тошмуродова «Боёвут» давлат хўжалигидаги корхонамиз шоҳобчасига раҳбарлик қилмоқда. Уддабурро, жонкуяр ходим. У ўз қобилиятини амалий ишларда кўрсатмоқда, яхши ишлари билан бошқаларга намуна бўляпти. Бу эса ҳозирги даврда айниқса муҳимдир.

Бирлашмамиз бошланғич партия ташкилоти кейинги пайтларда қиз-жувонларнинг ижтимоий, сиёсий тарбиясига алоҳида эътибор бераяпти. Фабрика ёшлар ташкилотининг раҳбари Назира Ҳайитова билан ҳамкорликда бу йўналишда фойдали тадбирларни амалга ошираяпмиз. Ўтказилаётган қизлар давраси, ўзимизнинг миллий, тарихий анъаналаримизни тиклаш, дам олиш кечаларини ташкил этиш, турли шаҳар ва мамлакатларга туристик саёҳатларни уюштириш сингари тадбирлар бу соҳада айниқса яхши самара бераётир. Жумладан, меҳнат илғорларимизнинг кўпчилик қисми ана шундай қизиқарли сафарларда бўлиб қайтишди.

Бирлашмамизда шунингдек, партия ташкилоти ташаббуси билан тез-тез қизиқарли учрашувлар, саволжавоб кечаларини ҳам ўтказиб турибмиз. Бундай тадбирлар ҳаётга энди қадам қўйиб келаётган ёш қизлар ёки эрталабдан кечгача корхона ва уй юмушларидан бўшамайдиган опа-сингилларимиз кайфиятини кўтариш, руҳлантириш, уларга мадад беришда айниқса, муҳим роль ўйнаётир. Бирлашма бош директори Шокиржон Абдуллаев бошланғич ташкилот ижроия бюроси илтимосига ҳамиша ҳозиржавоб муносабатда бўлади. Одамлардан иш талаб қилиш билан бирга уларга ижтимоий, маданий, маиший шароитларни яратиб бериш юзасидан ҳам катта юмушлар қилинмоқда. Бирлашма бош корхонаси қошида даволаш ва соғломлаштириш муассасалари ишлаб турибди. Яқинда шаҳардаги сузиш бассейни бирлашмамиз тасарруфига ўтди. Дирекция партия ташкилоти таклифи билан бирлашма бўйича ҳар бир кишига кунига 7 сўмдан овқат пули беришни маъқул топди.

Бундай амалий ишлар ўз самараларини бераяпти, албатта. Ишлаб чиқариш режалари ортиғи билан бажарилмоқда. Ҳозирги даврнинг мураккаб шароитларига қарамай фабрикада кўпдан бери ҳеч ким бекор туриб қолгани йўқ. Бизларда ҳозир энг кам маош миқдори минг сўмданга тўғри келади. Бошланғич партия ташкилотимиз ана шу анъаналарни янада бойитиш тадоригини кўряпти. Чунки бу иш ҳам одамларнинг ишончини қозонишнинг муҳим йўлларидан бири. Биз ҳозир бировни мажбур этиш, ҳаддан ташқари ташвиқот юритиш йўли билан сафимизга тортаётганимиз йўқ. Балки яхшилик, кишилар қалбига йўл топиш, танлаш ва саралаш йўлидан бораяпмиз. Бу эса ўз самарасини беряпти.

Келажакда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг обрўси янада ортиб боришига, сафимизга энг муносиб кишилар қўшилиши ва янги-янги анъаналар пайдо бўлишига ишонаман. Чунки бош мақсадимиз — одамлар хизматида бўлишдан иборат.

Шоира ЭШОНХЎЖАЕВА,
Гулистон тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич партия ташкилоти котиби.

• *Деҳқончилик-саноат мажмуида*



● Ильич районидаги Титов номли давлат хўжалигида Асадулла Жабборов оиласи 1990 йилда хўжаликдан 50 минг сўм қарз олиб, 60 бош қорамол сотиб олганди. Хўжаликка 80 тонна сут, 8,5 тонна гўшт сотишди. Бу йил эса 100 минг сўм қарз олиб 130 бош қўй сотиб олишди.

СУРАТДА: фермер Асадулла Жабборов.

У. ҚУШВОҚОВ олган сурат.

● Учкўприк районидаги Фахриддин Шамсуддинов номли давлат хўжалигида Боқиевлар оиласи томонидан «Қайтмас» фермерлик хўжалиги ташкил этилганига кўп бўлгани йўқ. Оила бошлиғи Мирзачўл Боқиев 60 дан ошганига қарамай, ана шу ишга бел боғлади. Улар ўз жамғармаларидаги маблағларни сарфлаб бозордан 15 та буқача, 32 та сигир сотиб олишди. Хўжалик эса уларга озуқа етиштириш учун 20 гектар ер ажратди. Айни пайтда оила аъзолари сигирлар сонини 59 бошга, бузоқларни 18 бошга етказишди. Уларнинг нияти — хўжаликка 10 тонна гўшт сотиш.

СУРАТДА: фермер хўжалиги бошлиғи Мирзачўл Боқиев (ўртада) ўғиллари (чапдан ўнгга) Мансуржон, Мақсудали ва Тўланбой билан.

Ш. АЛИМОВ олган сурат (ЎзА).

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР

КУН ТАРТИБИДА АМАЛИЙ ЁРДАМ

● АҚШ қишлоқ хўжалиги вазирлиги шуни маълум қилди: собиқ Совет Иттифоқининг Ўрта Осиё республикаларига 6100 тонна озиқ-овқат жўнатилади.

15 миллион доллар миқдорида инсонпарварлик ёрдами кўрсатилади. Болалар, қариялар ва ногиронларга мўлжалланган бу ёрдам Ўрта Осиё республикаларига Америка Қизил Хоч ташкилоти орқали жўнатилади.

ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ

● Франция ва Туркия ҳукуматлари Тоғли Қорабоғда ўзаро курашётган томонларни ўт очишни тўхтатишга чақиришга қарор қилдилар.

Франс-Пресс ахборот бошқармаси Франция ташқи ишлар вазирлиги маълумотига асосланиб шуни хабар қилган. Иккала мамлакат ташқи ишлар вазирлари — Ролан Дюма билан Ҳикмат Четин ўзаро телефон орқали мулоқотдан сўнг шу қарорга келишган.

15 АПРЕЛГА ҚАДАР

● БМТнинг Югославиядаги кучлари қўмондони генерал Сатиш Намбъяр (Ҳиндистон) Нью-Йоркдан Белградга келди.

Тайёрагоҳда у журналистлар саволларига жавоблар бериб, биз ўзаро курашаётган томонлар Югославиядаги тангликни сиёсий бартараф этиш тўғрисида музокаралар олиб бораётган пайтда тинчликни сақлаб туриш учун бу ерга келдик, деди. Маълумки, 14 минг кишидан иборат БМТ кучларини жойлаштириш 15 апрелга қадар тугалланиши режалаштирилган.

МАТБУОТ ГУВОҲЛИК БЕРАДИ

● «Таймс»: Ироқ бош вазири ўринбосари Тариқ Азиз Нью-Йоркка келди.

У БМТ Хавфсизлик Кенгаши аъзолари ҳузурида Бағдоднинг фикрини тушунтириб бериш учун нутқ сўзлайди, БМТ қарорларининг Ироқ томонидан бундан буён бажарилишини унга қарши иқтисодий жазо чораларини бўшаштириш билан боғлашга уриниб кўради.

● «Файнэншл таймс»: Форс кўрфази атрофидаги можародан кейин Сурия билан Эрон ўртасида ҳарбий ҳамкорлик бирмунча кенгайган.

Шунга асосланиб Ғарб мамлакатларида улар қудратли қирғин воситалари, биринчи галда ракеталар билан қуролланиш имкониятларини яратишга уринмоқдалар, деган шубҳа пайдо бўлди.

● «Известия»: Финляндия президенти маҳкамасининг хабарига кўра Президент Мауно Койвисто 19 март куни бир кунлик ишчи ташрифи билан Эстонияга келади.

Бу ташриф Эстония президенти Арнольд Рюйтелнинг таклифига биноан бўлади.

Хельсинки рўзномалари шу воқеа муносабати билан эслатишади: Финляндия президентининг бу ерга охирги ташрифи.... 1931 йилда бўлган эди.

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ.
ҚУТБГА САФАР

● Канадалик қутбчи Ричард Уэбер, рязанлик врач Михаил Вараков ва америкалик йигит Роберт Мэнтелл ғаройиб сафарга чиқишди.

Улар чанғилар ёрдамида Шимолий қутбга йўл олишди. Канаданинг Эльсмир ороли чеккасидан (Гренландия ғарбидан) йўлга чиққан саёҳатчилар Шимолий қутбга 7 май билан 12 май орасида етиб боришга умид қилишмоқда. Сафар давомида 2500 километр йўл босилиши керак.

(Ахборотлар телетайп ҳамда рўзномалар хабарлари асосида тайёрланди).

Янгиликлар, Воқеалар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИ КОМИТЕТИДА

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Фан, халқ таълими ва маданий меросни асраш комитетининг йиғилиши бўлди. Йиғилишни комитет раиси, академик А. Асқаров олиб борди.

Йиғилиш қатнашчилари таълим тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қонунининг янги лойиҳасини муҳокама қилишди. Маълумки, комитет ишлаб чиққан олдинги Қонун лойиҳаси республика Олий Кенгаши IX сессияси тасдиғидан ўтмаган эди. Шундан сўнг ишчи гуруҳи ташкил этилиб, Қонуннинг янги лойиҳасини ишлаб чиқишга киришилди. Иқтисодий танглик муносабати билан Қонуннинг маблағ билан боғлиқ бандларига тузатишлар киритилди.

Ўзбекистон халқ депутатлари Т. Ширинқулов, Ҳ. Эрназаров, Т. Ҳошимов, С. Нишонов, Р. Абдуллаев, С. Пўлатов, М. Мирсаидов, комитет раисининг ўринбосари А. Қўчқоров, республика халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев ва бошқа кўпгина кишилар мазкур лойиҳа юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилишда таълим ҳақида Ўзбекистон Республикаси Қонун лойиҳасини асосан маъқуллаб, комитетнинг ишчи гуруҳига билдирилган таклиф ва қўшимчаларни ўрганиб, уни бир ҳафта муддатда Олий Кенгаш Раёсатига тақдим этишга қарор қилинди. Шундан кейин лойиҳа Олий Кенгашнинг навбатдаги сессияси кун тартибига киритилади.

(ЎзА).

МУСТАҚИЛЛИК ОБИДАСИ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Ўзбекистон Меъморлар уюшмасида Мустақиллик обидаси лойиҳалари танловининг биринчи давраси якунланди. Танловга 20 та лойиҳа тақдим этилди. Уларни меъморчилик доктори П. Ш. Зоҳидов бошчилигидаги мутахассислар гуруҳи бир неча бор атрофлича муҳокама қилди.

Муҳокамалар натижасида танловга тақдим этилган асарлар ҳали баркамол эмас, бадиий жиҳатдан анча бўш, деган хулосага келинди. Танловни қайта ўтказишга, ижобий фикр билдирилган лойиқалар муаллифларини ишга янада фаолроқ жалб этиш мақсадида рағбатлантиришга қарор қилинди.

Республика танлови биринчи давраси якунларига бағишланган йиғилишда Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Э. Самандаров ва Тошкент шаҳар Ҳокими А. Фозилбеков қатнашдилар.

(ЎзА мухбири).

• *Бош муҳаррирга мактуб* •

АРҒАМЧИГА ҚИЛ ҚУВВАТ

Муштарий «Осиётранс» темир йўлини узайтиришдан иборат хайрли ишга ҳукуматдан оладиган имтиёз маблағини ўтказишни таклиф этмоқда

●

Мен маълум муддат Афғонистон ҳудудида мутахассис сифатида хизмат қилдим. Жон талвасаси, юрт соғинчи, Ватан мустақиллиги нима эканини ўз кўзим билан кўрдим, қалбдан чуқур ҳис этдим. Афғонистонда бўлган давримдаги хизмат учун ҳукумат менга қатор имтиёзлар берди.

Ўзбекистон Республикасининг бир фуқароси сифатида жумҳуриятимиз мустақиллигини қувонч билан кутиб олдим. Республика Президенти амалга ошираётган ички ва ташқи сиёсатни чин қалбдан қувватлайман. Республикамизнинг истиқлол йўлидан дадил бориб, иқтисодий жиҳатдан ривожланишига баҳолиқудрат мадад кўрсатишга қарор қилдим.

Шу аҳдимнинг рамзи сифатида бир ойлик маошим ҳажмида — 1500 сўмни «Осиётранс» темир йўли янги тармоғи қурилиши жамғармасига ўтказмоқчиман. Яхши биламизки, Туркманистоннинг Серахс ҳудудидан (Тежан станцияси яқинида) Машҳадгача борадиган янги темир йўл тармоғининг бир қисмини—130 километрлик масофани Ўрта Осиё республикалари биргаликда бунёд этишмоқчи. Менинг камтаргина ҳиссам шу темир йўл участкаси тезроқ қуриб фойдаланишга топширилишига озгина бўлсада мадад бўлса, бошим кўкка етарди. Ахир айтадилар-ку, арғамчига қил қувват, деб.

Мен шу муносабат билан икки мулоҳазамни баҳам кўрмоқчиман. Биринчидан, Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигига тегишли таъсир кўрсатадиган хорижий алоқаларини кенгайтиришга хизмат қилувчи янги темир йўл тармоғини пул билан таъминлаш муҳим эканлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Бу ишнинг моҳиятини тўла англаган жумҳуриятимиз фуқаролари, меҳнат жамоаларини темир йўл тармоғи қурилишини жадаллаштириш мақсадида маблағ билан таъминлашга ўз жамғармаларидан ёрдам кўрсатишга даъват этаман.

Иккинчидан эса, мустақил тараққиётимизга мадад берадиган янги темир йўл тармоғини пул билан таъминлашга ёрдам берадиган республика жамоатчилик жамғармаси ташкил этилишини таклиф қиламан. Шундай жамғарманинг банк ҳисоби очилиши билан (банк ҳисоб рақами, код рақами аниқ бўлса) атаб қўйган маблағимни биринчи бўлиб ўтказиш ниятидаман.

Маҳмуд НОСИРОВ,
Фарғона вилоятидаги Марғилон тракторларни таъмирлаш заводи директори, шаҳар Кенгаши депутати.

ТАҲРИРИЯТДАН: МАҲМУД НОСИРОВ муҳим иқтисодий-ижтимоий аҳамиятга молик масалани ўртага қўймоқда, деб ҳисоблаймиз. Дарҳақиқат республикамизни хориж билан боғлайдиган янги темир йўл участкасига лойиҳа бўйича дастлаб ярим миллиард сўм сарфлаш мўлжалланганди. Энди эса бу объектнинг 2 миллиард сўмга тушиши маълум бўлди. Рўзномамиз муштарийси М. Носировнинг таклифини кўпчилик қўллаб-қувватлайди, деган умиддамиз.

• «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖАМҒАРМАСИГА •

ФАХРИМИЗ

БЎЛГАН МАШҲУР ЛИМОНЧИ ЗАЙНИДДИН ХОЖИ ФАХРИДДИНОВ БОШЛИҚ ЖАМОА АЪЗОЛАРИ «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИ ЖАМҒАРМАСИГА ЎЗ ҲИССАЛАРИНИ ҚУШДИЛАР

Жаҳоннинг шодлиғи боиси
Деҳқондир,
Анинг бирла дунё боғи
бўстондир.
Бу ишдан яхши, одамга
не бордур
Одам наслига бу иш
меросдур.

Бу сатрларнинг муаллифи шоир эмас. Аммо ҳалол меҳнати, изланиши, яратган кашфиёти билан эл оғзига тушган не-не шоирларнинг тилларида достон бўлган табаррук инсондир.

— Ҳар ким машҳур бўлса Зайниддин Фахриддиновдек машҳур бўлсин, — дейди машҳур тожик адиби Жалол Икромий. — Чунки у ўзининг мўъжизали иши билан дунёга машҳур бўлгандир. Агар мўъжиза бўлмаса, ким ўйларди, Тошкентда, ёзи иссиқ ва қиши совуқ бир ерда лимон унади, деб. Яна қанақа лимон!

Шунинг учун бизки ҳайрону мот бўлганмиз, бу кишининг, бу замон диловарининг ишига таҳсин ва офарин, деб бундан ҳам каттароқ ютуқ орзу этамиз.

Дунёда яхши инсонлар кўп. Аммо ҳаётини изланиш, яратиш ва курашсиз тасаввур қилолмайдиган, эл юрт ғами учун ўзлигидан кечиб, елиб-югурадиган шундай одамлар борки, улар туфайли хонадонимизга барака, дастурхонимизга файз кирмоқда.

Кенг жамоатчилик яқинда табаррук 70 ёшини нишонлаган Зайниддин Хожи Фахриддинов шундай кишилар тоифасига кирадилар. Уларни бемалол ўзбек лимончилигининг отаси, дейиш мумкин. Отаҳон бошлаб берган иш ҳозир кўп жойларда кенг қўлланилмоқда. Фақат жумҳуриятдагина эмас, балки мустақил давлатлар ҳамдўстлигидаги уч юзга яқин хўжаликда Фахриддинов лимонлари етиштириляпти.

Қибрай районидаги Лимончилик хўжалигининг жамоаси ўз навбатида машҳур соҳибкор етакчилигида лимонзорлар ҳажмини ҳам, у ерлардан олинадиган ҳосилни ҳам тобора кўпайтириб боришга муваффақ бўлишяпти. Ҳозир хўжаликда 50 гектар лимонзор бор. Шунинг 42 гектари ҳосил бермоқда.

Миришкорлар ўтган йили режадаги 1200 тонна ўрнига 1500 тонна шифобахш мева териб топширишди. Кўрилган даромад 15,2 миллион сўмга етди. Шунинг тўрт миллиони соф фойда.

Хўжаликда айни кунларда ҳосил йиғим-терими қизғин давом этяпти. Жамоа меҳнат аҳли ҳар бир қарич ердан унумли фойдаланиб, бошқа турдаги мева ва сабзавот ҳам етиштирган. Ҳозир омборларда 40 тоннадан зиёд картошка, 20 тонна пиёз, 20 тонна сабзи, 10 тонна ошқовоқ, 5 тонна шолғом, туруп, лавлаги, турли тузламалар, анчагина миқдорда олма, шафтоли қоқи, жийда, туршак ҳамлаб қўйилган. Наврўз арафасида бу маҳсулотлар хўжаликка қарашли фирма дўконлари орқали аҳолига сотилади.

Дўст оғир кунда билинади, деганлари рост экан. Куни-кеча биз лимончиларидан хушхабар олдик. Улар ҳалол ишлаб топган маблағларидан ўн минг сўмни рўзномамиз жамғармасига ўтказишганини маълум қилишди.

К. РИХСИЕВ,
«Ўзбекистон овози» махсус мухбири.

ЎТГАН ЙИЛЛАР САБОҒИ

Косонсой районидаги «Шарқ юлдузи» боғдорчилик-узумчилик давлат хўжалиги ташкил бўлганида бор-йўғи ўн бешга яқин оила истиқомат қиларди, холос. Шунга ҳам ўн икки йил бўлибди. Йиллар ўтган сайин хўжалик кенгайиб, ҳар томонлама ривожланиб борди. Янги турар жой бинолари қад ростлай бошлади. Бугунга келиб хўжалик маркази шаҳар типидаги посёлкага айланди. Қатнаб ишловчиларга ҳам эҳтиёж қолмади.

Хўжаликда деҳқончилик ва боғдорчилик бўйича белгиланган режалар ортиғи билан уддаланиб, даромади ҳам ортиб борарди-ю, аммо хўжалик раҳбарлари ва район мутахассисларининг бир нарсадан кўнгли тўлмасди. Боиси хўжаликда чорвачилик соҳаси узоқ йиллардан буён зарардан чиқмасди. Хўжалик раҳбарлари ўтган йили чорвачиликни фойдали соҳага айлантиришга астойдил бел боғладилар. Ишни чорва қишловига пухта ҳозирлик кўришдан бошладилар.

— Чорвани даромадли соҳага айлантириш ҳақида узоқ ўйладик. Шу мақсадда ўтган йилларни таҳлил қилиб кўрдик, — дейди хўжалик директори Абдуҳаким Худойназаров. Маълум бўлишича, ҳар йили қиш ойларига келиб чорванинг сарф-харажати ҳаддан зиёд кўпайиб кетар экан. Шунинг ҳисобига ёз бўйи олинган фойда ҳам уни қоплашга сарф бўлиб, оқибатда йил зарар билан якунланаркан. Биз буларнинг ҳаммасини ўрганиб чиқиб, эрта баҳорданоқ чорва қишловини намунали ўтказишга ҳозирлик кўрдик. Аввало, ем-хашак, озуқа жамғаришга эътибор бердик. Аҳолига сотилганидан ташқари олдинги йилга нисбатан 300 тонна кўк беда, шунча макка силоси ва 250 тоннадан зиёд бошоқли ғалла ҳамда маккажўхори дони жамғардик. Ҳисоб-китоб қилиб, ортиқча ишчи кучи ва техникалар қисқартирилди. Масалан, илгари фақат сут-товар фермаси нинг ўзида хашак ташиш учун учта прицепли трактор ишларди. Биз шундан биттасини қолдирдик. Хуллас, чорвадорларга етарли шароит яратилиб, уларнинг маоши, масъулияти оширилди.

Дарҳақиқат, хўжалик фермасида кўрилган чора-тадбирлар ўз самарасини бераётганининг гувоҳи бўлдик. Сут-товар фермасига кираверишда «СК — 3» хашак майдалагич аппарати гурулдаб ишлаб турибди. Бу аппарат ёрдамида ҳар куни беш тонна атрофида хашак майдаланиб, молларга пешма-пеш бериб турилади. Усти ёпиқ бинонинг ичи топ-тоза қилиб супуриб-сидириб қўйилган.

— Биз биринчи навбатда тозалик, саранжом-саришталикка алоҳида эътибор бераміз, — дейди ферма мудири Рустам Холмирзаев. — Фермамиздаги 342 бош қорамолнинг 80 таси соғин сигир. Уларнинг ҳаммаси тўрт нафар чорвадорга бириктирилган. Молларга қандай озуқа бирлигини қай вақтда беришни улар яхши билишади. Бу ҳаракатларимиз, чорвадорларнинг, сут соғувчиларнинг сидқидилдан қилган меҳнати беҳуда кетмади. Ўтган йили биринчи маротаба сут, гўшт ва бошқа чорва маҳсулотлари сотиш режасини муддатидан олдин бажаришга эришдик. Давлатга 200 тонна сут, 29,5 тонна гўшт етказиб берилди. Бу ўринда сут соғувчилар Г. Шодмонова, Ф. Болтабоева, М. Зоҳидова, бўрдоқичилик фермаси бош чўпони О. Ирисқуловларнинг хизмати катта эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Сут-товар фермасидан иккиуч чақирим нарида жойлашган хўжаликнинг бўрдоқичилик фермасида бўлдик. Еши элликлар атрофида, ўрта бўйли, ҳаракатлари шаҳдам одам пешвоз чиқди.

— Донгдор бош чўпонимиз Олчимат ака Ирисқулов шу киши бўладилар, — деб таништирди хўжалик директори.

— 35 йилдан бери чўпонлик қиламан, — дейди О. Ирисқулов. — Оилам ва шогирдим билан ўтган йили давлатга 22,2 тонна гўшт етиштириб бердик. Бу йилнинг биринчи кварталида ҳам етти тоннадан зиёд гўшт топширамиз.

— Режалар ошириб бажарилаётгани яхши. Лекин ҳозирги тақчил шароитда озиқ-овқат маҳсулотларидан қийналмаяпсизми? Бу борада давлат хўжалиги маъмурияти ёрдам беряптими? — сўраймиз ундан.

— Шукур, рўзғоримиздан нолимаймиз. Совхоз ёрдам беряпти. Холимиздан хабар олиб, суриштиришади.

«Шарқ юлдузи» давлат хўжалигидан қайтар эканмиз бу ерда ҳар бир отар, қўра, уларда меҳнат қилаётган чўпонлар тақдири маъмурият эътиборидан четда қолмаган. Зеро, муваффақиятлар омили ҳам шу туфайли эканлиги шубҳасиз, деб ўйладик.

А. МАДАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

21 март—Наврўз байрами

Табиат кўзини очди — ҳаёт тараляпти. Куртаклар чокидан сўкилди — ризқ-насиба яраляпти. Йилни йил қувиб янгиси келди — умр янгиланяпти. Ҳар бир дақиқа—умр, ҳар бир қадам — ҳаёт. Умрда неча дақиқа бор, ҳаётда неча қадам! Ҳар бир умр умид-ла узоқ, ҳар бир қадам сабот-ла собит. Умримизни эзгуликка бахшида этайлик. Эзгуликнинг катта-кичиги, эрта-кечи бўлмайди. Чор-атрофга қарасангиз малҳам излаган дардманлар, чорасиз ночорлар, меҳрга муҳтож кўзлар топилади. Уларни яна бир бор эсламоққа, уларга пешвоз чиқмоққа Наврўзимиз ундаяпти.

Наврўз байрамига тайёргарликни бошлаб юбордик. Ана шу айём арафасида хоналарни капитал ремонт қилишни тугаллаймиз. Кичкина бўлса ҳам 50 кишилик касалхонамизни Наврўз байрами арафасида ишга туширмоқчи эдик. Муддатидан илгари — куни кеча шифокору ҳамшираларимиз бу ерда иш бошлаб юборишди. Республикамизнинг уруш ва меҳнат фахрийлари ташкилотларининг вакиллари ушбу байрамни биз билан бирга ўтказишга рози бўлишди. А. Набиев номли ўқувчилар саройининг қатнашчилари ўз концерт намойишлари билан мезбонларни хушнуд қилиб туришибди.

МЕҲР—АЗИЗ, МУРУВВАТ—АЗИЗ

Ҳар куни қариялар уйи дарвозаси ёнидан ўтаман. Ҳар куни интизор нигоҳлар. Бир осмон остида, бир ер устида икки хил нигоҳ — дарвоза ортида ўзга, дарвоза ташқида ўзга...

— Сўлғин нигоҳлар кўнглини кўтариш мушкул, — дейди Республика меҳнат, партия ва уруш фахрийлари пансионатининг директори В. Саидаҳмедов мен билан суҳбатда. — Бу ердагиларнинг бари менинг тенгдошларим. Тақдир тақозоси билан бу ерга келиб қолишган. Эрталаб бирма-бир ҳар бир хонани айланиб чиқаман, ҳолаҳвол сўрайман, кўнгилларини кўтармоққа интиламан. Токи кўтаринки руҳлик кечгача татисин. Бугунги кунда бу ерда 200 киши истиқомат қилмоқда. Барча кундалик рўзғорда керак бўладиган нарсалар билан таъминланган. Ўзимизнинг сартарошхонамизга, кинозалимизга, дам олиш боғимизга эгамиз. Юздан ортиқ хизматчи ушбу даргоҳда меҳнат қилмоқда. Бу дегани ҳар икки қарияга бир қаровчи. Шу пайтгача биронта онахоннинг ёки отахоннинг шикоят билан олдимга келганини эслай олмайман. Қиш давомида хоналарни иситиш, иссиқ сув таъминоти яхши бўлди. Шу кунларда Ўтган йилги Наврўз байрами сабоғи ўлароқ, бу йилги байрам рўза ойларига тўғри келганлиги учун айём дастурхонини кечқурун ёзишга келишиб олдик. Дастурхонимизга қариялар уйидаги онахон, отахонларнинг фарзандларини, қариндош-уруғларини ҳам таклиф этамиз. Уларга панд-насиҳат берамиз, меҳрдан, оқибатдан, мурувватдан, фарзандлик бурчи-ю, ота-она қадр-қимматидан сўз юритамиз. Ўтган йилги Наврўз байрамидаги ана шундай суҳбатларимиздан сўнг икки онахонни ўғил-қизлари, қариндош-уруғлари ўз бағирларига олдилар.

Қариялар уйида ҳамма нарса бисёр. Керакли нарсани олишга бу ердагиларнинг қурби етади — маблағ бор. Ижтимоий таъминот вазирлиги 3 миллион сўм маблағ берди. Лекин ҳеч қаерда сотилмайдиган, ўрнини боса олмайдиган меҳр, мурувват тақчил. Зеро, бу ердаги ҳар бир инсонга — умрининг сўнгги йилларини ўтказаётган инсонга меҳрдан, мурувватдан олижаноброқ яхшилик йўқ. Меҳрингизни дариғ тутманг, одамлар!

Муроджон КОЗИЕВ.

САХОВАТ-ПЕШАЛИК

Меҳр-оқибат, саховатпешалик жамоа хўжалиги меҳнаткашлари учун янгилик эмас. Хўжалик раиси Қ. Ҳақбердиев, партия қўмитаси котиби Ж. Ҳакимов, касаба уюшма қўмитаси раиси К. Даминовлар меҳр-оқибат, қадр-қиммат борасида ибрат кўрсатиб, савобли ишларга қўл уришяпти. Уларнинг саъи-ҳаракатлари билан одамлар бахт-саодати учун қайғуришяпти. Бу, Наврўз байрамига тайёргарлик кезларида ҳам кўзга ташланмоқда.

Баҳор айёми баҳона меҳнат ва уруш фахрийлари, боқувчисиз ночор кишиларга эътибор, ғамхўрлик кўрсатишга яна кўпроқ аҳамият берилмоқда. Чунончи, совға-саломлар улашиш йўлга қўйилди. Ночор 153 нафар кишига 24 минг сўм ёрдам пули берилди. Боқувчисиз Мавжуда Тиркашова ҳам янги уйлик бўлди. Шунингдек, Эрке Расулованинг уйи таъмирланиб, томи ёпилди.

Ёш келин-куёвларга 250 сўмдан хайрия ёрдами бериляпти. Дафн маросимига ҳам 250—300 сўмдан пул, транспорт ажратиляпти. Ўқувчи-ёшларни колхоз ҳисобидан оромгоҳларга юбориш, талабаларга моддий ёрдам кўрсатиш анъанага айланган.

Айни пайтда Наврўз байрами олдидан қишлоқларда ободончилик ишлари авж олдириб юборилди. Кўча ва ҳиёбонларни тозалаш, боғ-роғлар, қабристонларни тартибга келтириш ишлари авжида. Навбаҳорда 12 минг туп мевали, 240 минг туп тут ва терак ниҳоллари ўтказилади.

— Наврўз байрами эсда қоларли воқеа бўлиб қолади, — дейди колхоз касаба уюшмаси қўмитасининг раиси К. Даминов. — Бу миллийлигимиз, республикамиз мустақиллиги шодиёнасига айланади.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Шаҳрисабз райони, Энгельс номли жамоа хўжалиги.

Халқ қаҳрамони Мадаминбек ҳаёт бўлганида 100 ёшга тўларди

1. НОТИНЧ МАРҒИЛОН

— Абдураззоқ закунчини ўлдиришибди! Мадазим ўғри унинг калласини кесиб ташлабди!..

Марғилоннинг илон изидай қинғир-қийшиқ, тор кўчалари бўйлаб бу шум хабар яшин тезлигида тарқалди. Кўҳна шаҳар бир қалқиб тушди. Абдураззоқ закунчи шаҳарнинг энг обрўли, илмли кишиларидан, фақир-фуқароларнинг меҳрибони эди. Чор ҳукумати даврида Фарғонадаги рус судларида тилмоч бўлиб ишлаган бу зиёли жуда кўп кишиларга яхшилик қилган, кўпларни Сибирь сургуни, турмалардан олиб қолган эди. Октябрь тўнтаришига ва ҳатто 20-йиллар охирларига қадар ҳам Туркистонда икки хил суд муқобил равишда фаолият кўрсатган. Шаҳарлар ва қишлоқларда минг йиллар давомида бўлганидек, шариат қозилари қозихоналарда ислом қонун-қоидаларга мувофиқ иш кўриб ҳукм чиқарар, айни пайтда Россия империяси қонунлари асосида иш кўрадиган судлар ҳам мавжуд эди. Рус судьялари каби шариат қоди. Майитни аравага солиб Чангалчи маҳалласидаги хонадонига келтиришади.

— Отамнинг калласини ўз белбоғи билан яна бўйнига танғиб боғлаб қўйишибди, — дея хотирлайди Саодат ая Раззоқова, — мен паранжисиз, уйдан дод солиб чиқдим. Бўйим етган пайтлар. Шунда Мадаминбек шаҳар милициясининг бошлиғи экан. Мени шу ерда кўриб қолибди...

Мадаминбек қотилларни топиб жазолашга шу ерда ваъда беради ва кўп ўтмай улар ушланиб, одил суд қўлига топширилади.

Мадаминбек Абдураззоқ Сиддиқовни яхши биларди. Асли Тошлоқнинг Сўкчилик қишлоғида 1892 йилда туғилган. Мадаминбек юртга таниқли йигитлардан эди. Сўкчилик ҳозирги Тошлоқ районининг Садда қишлоқ жамоаси ҳудудида жойлашган. Мадаминбек беклик унвонини қўрбоши бўлгандан сўнг олган эмас. Сўкчилик қишлоғидаги кексалар ва Мадаминбекнинг турмуш ўртоғи Саодатхон аянинг хотирлашича, у насл-насаби жиҳатидан бек бўлган. Руслар Фарғонани босиб олганларидан сўнг Мадаминбекнинг аждодлари ўз мавқеларини йўқотадилар. Унинг отаси Аҳмадбек қошиқ, чўмич ва бошқа рўзғор буюмлари ишлаб чиқарадиган кичик корхонанинг эгаси бўлиб, оз-моз савдогарчилик билан ҳам шуғулланарди. Мадаминбекнинг бир акаси ва икки опаси бор эди. Болалигидан зеҳни ўткир, тийрак, жасур Мадаминбек ўқимишли одам эди. Ибтидоий мактабда савод чиқаргач, Аҳмадбек ўғлини рус савдо дўконларига ишлашга беради. Тез орада у русча гапирадиган ва ёзадиган даражага етишади (ҳозиргача илмий ва бадиий адабиётларда у рус тилини сургунда юрган пайтида ўрганган деган фикр мавжуд) лекин, гувоҳларнинг шоҳидлигига қараганда, у қамалгунга қадар ҳам русчани яхши билган. Мадаминбек сафдошларидан бирининг укаси, марғилонлик нафақахўр Давлат Султоновнинг фикрича, Мадаминбекнинг француз тилини билиши ҳақидаги маълумотлар ҳам шу даврга тааллуқли. Чамаси, бекнинг хўжайини бўлмиш рус савдогарининг Фарангистон билан савдо-сотиқ алоқалари бўлган ва уларда Мадаминбек ҳам иштирок этган.

1914 йили полиция Мадаминбекни қамоққа олади ва суд уни узоқ муддатли каторга қамоғига ҳукм этади. Унинг қамалиши хусусидаги бир-бирига зид, чалкаш фикрлар бор. Лекин уларнинг бирортаси ҳам ҳужжатларга асосланмаган. Кўпинча у ўз хотинини ўлдиргани учун қамалган дейишади. Аслида бундай эмас. Қамалгунга қадар унинг хотини бўлган. Мадаминбекни Нерчинскдаги қамоқхонага олиб кетишгач, кўп ўтмай у аёл бошқа турмуш қилиб кетган. Аслида Мадаминбек Тошлоқнинг ўша пайтдаги йирик амалдорларидан бири, Ғуломбек мингбоши билан қаттиқ олишиб қолганлиги туфайли қамалган. Бу низонинг сабабларини ҳозирча аниқлай олмадик. Аммо ёш Мадаминбек кўпчилик ўртасида Ғуломбек мингбошини калтаклагани маълум. Суд эса Мадаминбекнинг ўзи тан олмаган айбларини ҳам унга тиркаб, ўн тўрт йил каторга ишларига ҳукм қилиб юборади.

Ҳар ҳолда Ғуломбек мингбоши билан олишув Мадаминбекнинг халқ орасидаги обрў-эътиборини кўтаришга хизмат қилган. Зеро, февраль инқилобидан кейин сиёсий маҳбус сифатида бандиликдан озод қилиниб, она юртига қайтган Мадаминни халқ катта шоду хуррамлик билан кутиб олган. Россияда ҳокимият большевиклар қўлига ўтиб, мамлакатда тартибсизлик, бошбошдоқлик ҳукм сураётган пайтда «Марғилонни ўғри, қароқчилар, қотиллардан ким ҳимоя қилади?» деган муаммо халқни ўйлантиради. Шунда «Уламо» жамияти раҳбарияти Мадаминбекни милиция бошлиғи лавозимига тавсия этганлиги бежиз эмас. Агар ҳақиқатдан ҳам Мадаминбек каззоб, қотил бўлганида эди «Марғилоннинг энг катта руҳоний ва зиёлиларини ўзида жамлаган «Уламо» жамияти унинг номзодини қўллламас эди. Абдураззоқ Сиддиқов ҳам Мадаминбек номзодини маъқуллаган. Ўша пайтда Фарғона вилоят ҳарбий комиссари бўлиб ишлаган К. Осипов Мадаминбекни милиция бошлиғи этиб тайинлаш ҳақидаги буйруққа қўл қўяди ҳамда тегишли қурол-яроғ билан таъминлайди (Ҳа, бу ўша, 1919 йил январида Тошкентда большевиклар ҳукуматига қарши қаратилган исёнга бошчилик қилган Туркистон ҳарбий комиссари К. Осиповнинг ўзи эди! Ўн тўрт Туркистон комиссарлари шу исён пайтида ҳалок бўлишган).

Мадаминбек милиция бошлиғи сифатида Марғилонда осойишталик, тартиб-қоидани сақлашга жиддий ҳисса қўшади. Ҳар ҳолда 1918 йилнинг ёзига қадар Марғилонда жиддий тартибсизликлар бўлмаган. Абдураззоқ закунчининг ўлимидан сўнг икки ярим ойлар чамаси ўтгач, Мадаминбек унинг қизи Саодатхонга совчи юборади. Саодатхоннинг тоғаси Марғилон шаҳар кенгашининг раиси Собиржон Юсупов бу никоҳга ҳеч қандай қаршилик қилмади. Чунки Мадаминбек 25—26 ёшларда, ҳар томонлама етук ва қобил йигит, Саодат ҳам ўн олти ёшга кирган, жуда гўзал ва ўқимишли қиз эди.

— Тўйимиз Наврўздан сўнг бўлиб ўтди. Баҳор заптига олган, боғларда ўриклар қийғос гуллаган кунлар эди. Катта ҳовлида отамиздан кейин эркак киши қолмагани, Мадаминбекнинг доимо шаҳарда яшагани туфайли у киши мана шу ҳовлига ичкуёв бўлиб келди.

Марғилон чеккасидаги Чангалчи маҳалласида жойлашган бу ҳовли ҳамон сақланиб қолган. Саодатхон ая ҳозир ҳам шу ҳовлида яшайдилар.

— Мадаминбек қандай одам эди? — деб сўрайман аядан.

— У ўрта бўйли, икки юзи қизил, қора кўзли одам эди. Жуда художўй, номозхон эди. Ҳар қандай шароитда бўлса ҳам беш вақт номозни канда қилмас эди. Вақт топилди, дегунча китоб ўқирди. Эсимда, қаерга бормасин ёнида албатта, Фузулийнинг девонини олиб юрар эди. Фузулий ўқишни кўп яхши кўрарди раҳматлик...

У Нерчинскда каторгада юрган пайтлари чеккан азоб-уқубатлари ҳақида гапиришни ёқтирмасди. Аммо баъзан ўша кунларни эслаб қолганда ўзга юртда маҳбус бўлсанг сени икки томонлама ҳам турма маъмурлари, ҳам ерли маҳбуслар азоблашади, деярди. Турмада у сиёсий маҳбуслар билан бирга бўлади. Жаҳон сиёсатининг ҳозирги аҳволи, улуғ давлатлар орасида кетаётган жаҳон урушининг сабаблари, халқларнинг миллий ўзлигини англаш ва миллий мустақиллик учун кураш олиб боришлари хусусида у шу ерда, айниқса, кўп маълумот олди. Нерчинск турмаси том маънода Мадаминбек учун «ҳаёт дорилфунуни» бўлган эди.

3. УЙҒОНИШ

Ёш келин-куёвнинг бахтли, тинч фаровон кунлари узоққа чўзилмади. 1918 йил ёзида Мадаминбек Марғилон шаҳар милицияси бошлиғи лавозимини тарк этади ва ўз отряди билан Шўро ҳукумати душманлари сафига ўтади. Хўш, бунга уни нима мажбур этди. Йирик бир шаҳарнинг милицияси бошлиғи сифатида танилиб қолган, шўролар ишончига кирган одам олдида бундан кўра ёрқинроқ истиқбол йўли ҳам бор эди-ку? Ақлли, қаттиққўл ва қобилиятли Мадаминбек тез орада Шўролар ҳукуматида катта лавозимларни ҳам эгаллаши мумкин эди. Аммо у буларнинг ҳаммасидан воз кечиб ўта хавфли, машаққатли ишга — мавжуд тузумга қарши қўзғолон кўтаришга жазм этди. Бу аввало турмушнинг аччиқ-чучугини тотган, халқининг, миллатининг ҳақиқий фидокори бўлган инқилобчига хос ҳасорат эди. Иккинчидан, 1918 йил март-апрель ойларида Қизил Армия ва арман дашноқлари Фарғонада маҳаллий аҳолига нисбатан мислсиз шафқатсизлик қилдилар. Бир мисол дашноқлар отряди Фарғона шаҳри ёнидаги Ермозор қишлоғида маҳаллий аҳолидан 200 кишини ҳеч қандай сабабсиз отиб ташлади. Улар гўё дашноқлар отряди отларини хашак билан таъминлашдан бош тортган эмишлар. Шўро ҳукумати маъмурлари маҳаллий аҳолига паст назар билан қарарди. Бошқарув аппарати органларига мусулмонлардан деярли ҳеч ким қатнаштирилмасди. Қўқон мухториятидан сўнг вилоят аҳолисига нисбатан қилинган зўравонликлар халқнинг қаҳр-ғазабини қўзғади.

Мадаминбекнинг босқинчиларга қарши курашга отланишга асосан мана шу воқеалар сабаб бўлганди. 1918 йил бошларида мусулмон исёнчилари асосан Эргаш қўрбоши атрофида тўпланган эдилар. Мадаминбек ҳам дастлаб ўз отряди билан унга қўшилди.

Эргаш қўрбоши саркардалик ва сиёсий салоҳияти жиҳатидан Мадаминбекка нисбатан бирмунча чекланган одам эди. Ҳамкорликнинг дастлабки кунлариданоқ Мадаминбек ва Эргашбек орасида келишмовчиликлар бошланди. Эргашбек Мадаминбекни ўзига шерик эмас, балки рақиб сифатида кўра бошлади. Ҳолбуки, мусулмон қўшинлари икки саркарда ҳамкорлигининг дастлабки пайтлари бирмунча жиддий ҳарбий муваффақиятларга эришган эди. Масалан, 1918 йил июль ойида Қўқон атрофида Қизил Армия отрядлари Эргашбек қўшинлари билан биринчи жанглардаёқ тум-тарақай қочган эдилар.

(Давоми келгуси сонда).

1. МИЛЛАТИМ—ЖОНИМ МЕНИНГ!

ТУРКИСТОННИНГ УЛУҒ ВАТАНПАРВАРИ МУҲАММАДАМИНБЕК АҲМАДБЕК ЎҒЛИ ҲАЁТИНИНГ БОШ ШИОРИ ШУНДАЙ ЭДИ

Алишер ИБОДИНОВ.



Наврўз байрами арафасида Тошкент маҳаллаларида ўзига хос савобли ишлар қилинмоқда. Чунончи, «Она» меҳр-мурувват жамияти Фрунзе районидаги Абдулла Авлоний номли ҳамда «Яккасарой—2» маҳаллаларида саховат кўрсатди. Жумладан, кўп болали оилалардан Қумри Бобоева билан Ҳолида Манноповаларга биттадан сигир берилди. Ёлғиз, қаровчисиз оилаларга 10 тонна картошка, 5 тонна пиёз тарқатилди.

СУРАТЛАРДА: Абдулла Авлоний маҳалласида картошка тарқатиш. «Она» меҳр-мурувват жамиятининг раҳбари Нафиса Тошпўлатова Қумри Бобоевага муносиб совғани тақдим этмоқда.

Суратқаш Р. ШАГАЕВ (ЎзА).

ҲУНАРМАНДГА ЭЪТИБОР ҚАНИ?

● Рўзномамизнинг ўтган йил 20 сентябрь сонида «Ишчизодалар» сарлавҳали мақола чоп этилганди. Унда миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришнинг бугунги муаммолари тилга олинганди. Мақола муштарийларда турли фикр-мулоҳаза ва таклифлар туғдирди. Қуйидаги мақола шундан далолатдир.

«Қўйлиқ» автобус бекати муюлишида жойлашган кўримсизгина устахонада эски танишим Эргаш Турдиев 44 йилдан буён тунукасозлик билан шуғулланади. Уни Тожикистоннинг Янтоқ, Бўстон, Хўжакенти-ю, Қозоғистоннинг Сариоғоч, Абай, Янгибозор, Қозиғурт қўрғонларида ҳам кўпчилик танийди. Тошкент атрофидаги қишлоқ ва маҳаллалардаги кишилар-ку кун ора бўлмаса-да, ҳафтада бир унинг хизматидан мамнун бўлишади. Темир сандиқ, самовар карнайи, ҳокандоз ва ҳатто манти қасқон дейсизми, қисқа муддатда тайёрлаб беради. Хуллас, қўли гул уста.

Яқинда Эргашжоннинг олдига бир юмуш сабаб бориб қолдим. Қувониб кетди.

— Ўқидингизми, — деди у рўзномани узата туриб, — қаламкашлар биз, ҳунармандларни ҳам унутишмабди. Айни кўнглимиздаги дардни ёзишибди. Ахир ўйлаб кўринг, жумҳуриятимиз мустақил бўлса-ю, халқ ҳунармандчилигини қайта тиклаш иши ҳануз эътиборсиз қолдирилса... Тўғри, маҳаллий хом ашёга асосланган мўъжаз корхоналар, кичик цехлар ташкил этиляпти.

Бироқ ҳунармандчилик анъаналари секинлик билан жонланяпти. Косиб-усталар хом ашё тақчиллигидан қийналмоқдалар. Айниқса, қўлингда ҳунаринг бўла туриб, ишсиз юриш азоб. Мана, мисгарликни олайлик. Тошкентнинг Паркент, Пискент районларида илгари қўли гул мисгар усталар бор эди. Афсуски, маъмурий-буйруқбозликка асосланган тузум ўтган даврда улар фаолиятини меҳнатсиз даромад топишга йўйиб, тақиқлаб қўйди. Дўконларни бузиб ташлади. Хайрият, яқиндан бошлаб аҳвол ўзгарди. Эндиликда мисгарлар, пичоқ усталари фаолияти кенгайиб бормоқда.

Рўзномада таъкидланган миллий ҳунармандчиликни қайта тиклаш ҳақидаги фикрга тўлиқ қўшиламан. Агар бу соҳадаги иш яхши ташкил этилса, хом ашё билан таъминлаш барқарор йўлга қўйилса, биз—ҳунармандлар турли антиқа буюмлар ишлаб чиқаришга қодирмиз.

Яна бир мулоҳаза шундаки, қисқа муддатли ҳунармандлар мактаби очилса, айни муддао бўлур эди. Бу ерда маълум бир касбни ўрганишни истаган ёшларга тажрибали усталар сабоқ беришса, амалиётда синаб кўришса, миллий ишчи кадрлар тайёрлаш муаммосини ҳал қилиш ишига озгина бўлса-да, ҳисса қўшиларди. Кейин ҳунармандларнинг моддий шароити ҳам яхшиланиши, хизмати қадр топиши керак.

Ҳа, дарҳақиқат косиб-усталарга амалда ёрдам берилсагина, ҳунармандчилик ривожланиши мумкин. Эргаш ака, унинг шогирдлари ва ҳамкасблари буни яхши тушунишади. У ёки бу рўзномада ҳунармандлар фаолияти, муаммолари тилга олинса, улар кўнглида умид чироқлари ёнади. Бугунги кунда бу чироқларни сўндирмаслик, қайтанга келажакка ишонч уйғотиш лозим. Бу, албатта, биз билан сизнинг, маҳаллий ҳокимият органларининг амалий ҳаракатларига боғлиқ. Зотан, ҳунармандчилик тараққиётига оид тегишли тадбирлар, жумладан, қонун ҳужжатлари қабул қилинса, етарли шарт-шароит яратилса, Эргаш ака сингари косиб-ҳунармандлар фаолияти жонланиши турган гап.

Р. ИСҲОҚОВ,
Улуғ Ватан уруши ва меҳнат фахрийси.

• АКС-САДО

«Ҳақ адолатли тўланяптими?» («Ўзбекистон овози» 1992 йил 9 январь) сарлавҳали Андижондан берилган мақолани ўқиб, бир мутахассис сифатида менда ҳам фикр билдириш иштиёқи уйғонди.

БОШҚАРУВДА ҲАМ МУСТАҚИЛЛИК БЎЛСИН

Менимча, гап пахта тозалаш саноатининг турли бўғинларидаги қийинчиликларни тўла назарга олмаслик ҳақида чуқурроқ мулоҳаза этиш зарурати бор.

Аслида аҳвол қандай? Масалан, Ан-Боёвут-2 навли пахтанинг тола бериши 31 фоиз қилиб белгиланган. Лекин ана шу нав 33 фоиз тола бериш имконига эга. Қўшимча тола олишдаги 2 фоиз вилоятимиз миқёсида катта рақамни ташкил этади. Шундай экан пахтани қайта ишлаш жараёнидаги хом ашё йўқолиши, пахтани қабул қилиш ва сақлашдаги қийинчиликлар тўла ҳисобга олиниши керак.

Яна бир мулоҳаза шуки, пахта тозалаш саноати корхоналарининг мустақил эмаслиги ҳам эътибор талаб қилади. Ҳозир тармоғимиздаги бошқарув тизими ва йўриқномалар эски. Тўғрироғи, ҳаётий талабларга мос эмас... Корхоналар мустақил тарзда ҳеч қандай масалани ҳал этолмайди. Завод бўлимлари муаммони ҳал қилишда қонуний ҳимояланмаган. Минглаб тонна хом ашёга масъул шахсларнинг маоши ярим аср мобайнида ошмай келди. 2—3 ой бўлдики, сал ошди. Лекин, барибир кам.

Фикримизча, пахтачилик саноати бошқарувини ихчамлаштириш лозим. Ҳаракатдаги бошқарув тизими — ишни ҳал этадиган эпчил тизимга айланиши зарур.

Б. МУСТАФОЕВ,
Жиззах районидаги Учтепа пахта тозалаш заводи бўлим бошлиғи.

• ЎЗБЕКИСТОН—ТУРКИЯ

Нақшбандий исломдаги энг йирик фалсафий оқимлардан биридир. Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов бошчилигида Туркия Республикасига ташриф буюрган делегациямиз аъзолари бунга ишонч ҳосил қилишди.

Рўзномамизнинг ўз мухбири Н. НАИМОВ делегация қатори Туркия Республикасида бўлган Бухоро вилояти бош имом-хатиби, Баҳовуддин Нақшбандий масжиди имоми ҳожи Мухтор АБДУЛЛАЕВдан сафар таассуротларини баҳам кўришни илтимос қилди.

ҚАДР-ҚИММАТ МЕЗОНИ—ИНСОН

— Ҳожи Мухтор жаноблари! Президент ўзлари билан Туркия сафарига дин аҳлидан айнан сизни ҳамроҳликка таклиф этганларини қандай изоҳлайсиз?

— Бисмиллаҳир роҳманир роҳим! Президентимиз Ислом Каримов жаноблари илк марта ислом мамлакатига дўстлик сафари қилмоқда эдилар. Табиийки бу сафарда у кишига барча ислом мамлакатлари қатори Туркияда ҳам динимизнинг азалий марказларидан бири сифатида шуҳрат қозонган, Бухорои шариф вакили ҳамроҳлик қилиши мақсадга мувофиқ топилди.

Бундай танловнинг яна бир боиси, бор, деб ўйлайман. Туркия Республикаси фуқароси ўртасида нақшбандийлик ҳаракати кенг ривож топган. Менда бўлган маълумотларга кўра, мамлакатда 80 миллионга яқин аҳоли исломнинг мана шу фалсафий оқими тарафдоридир. Туркия Республикасининг кейинги даврда бунчалик гуллаб-яшнашида уларнинг салмоқли ҳиссалари бор.

Зероки, нақшбандий ҳаракати ҳар бир мўмин-мусулмон ҳалол меҳнат билан турмуш кечиришини талаб қилади, инсоннинг қадр-қимматини эъзозлайди. Ҳунарнинг касбнг биринчи даражада, имоматлигинг — иккинчи даража, деб таълим беради. Емагинг ҳаром йўл билан топилган бўлса, дуосини қандай қабул қилай, дейди Оллоҳ!

Баҳовуддин Нақшбандий ҳазратлари ўзларига шогирд қабул қилар эканлар, унга берган биринчи саволлари ҳунари борлиги ёки йўқлиги тўғрисида бўлган.

Агар ҳунаринг бўлса, уни тирикчиликка ишлатиб, мен оладиган илмни ҳақ йўлига ишлатасан, ҳунаринг бўлмаса, илмни сотиб тирикчилик қилишга мажбур бўласан, — деб айтганлар ва шогирдликка қабул қилишдан илгари қайсидир ҳунарни ўрганишга юборганлар. Чунки ҳунардан унар. Бу дунё деб охиратни ташламанглар, охиратни деб бу дунёни ташламанглар деганлар, ўз ҳадисларининг бирида Муҳаммад алайҳиссалом.

— Албатта. Делегациямиз аъзоларининг Туркия Республикаси давлат арбоблари билан илк танишув маросимида мен Баҳовуддин Нақшбандий масжиди имом-хатиби сифатида республика Президенти Турғут Ўзол жаноблари муҳтиф ўринбосари Лутфи Тувғон жаноблари билан суҳбатда масаланинг мана шу томонига алоҳида урғу берилди. У кишининг таъкидлашича, Туркия бир қўлида Қуръони карим, иккинчи қўлида ҳунар ва маърифатни ушлаб буюкликка эришди. Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов жаноблари сафардан қайтгач, республика Туркия йўлини танлаганлигини эълон қилганликларининг ҳам боиси шундан деб ўйлайман.

Туркия Республикаси фуқароси худди мана шунга амал қилмоқда. Баҳовуддин Нақшбандий ҳазратлари олга сурган «Даст ба кору дил ба ёр!», яъни қўлинг меҳнатда бўлсин, кўнглинг эса Оллоҳда бўлсин шиорига амал қилишади. Афсуски, шўроларнинг етмиш йиллик ҳукмронлиги даврида ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам бу шиорни бизнинг онгимиздан суғуриб ташлашга интилишди. Эски масжидларни қайтадан очиш, янгиларини қуришни яқин йилларгача тақиқлашди. Биз ҳозир суҳбатлашиб ўтирган маҳалла масжиди Абу Бакир Сиддиқ ҳазратлари номи билан аталган. Маҳалла жамоаси уни турли тазйиқлар остида ўз маблағларига чойхона ниқоби остида қуришга мажбур бўлишган эди. Ҳозир эса вилоятимизда 53 та масжид фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг кўпчилиги қишлоқ ва маҳалла масжидларидир. Иншооллоҳ уларнинг сони яқин йилларда янада кўпаяди.

— Туркияга сафар пайтида нақшбандийлик ҳаракатининг йирик намояндалари билан мулоқотда бўлдингизми?

— Туркия Республикаси ўрнинбосари Лутфи Тувғон жаноблари билан суҳбатда масаланинг мана шу томонига алоҳида урғу берилди. У кишининг таъкидлашича, Туркия бир қўлида Қуръони карим, иккинчи қўлида ҳунар ва маърифатни ушлаб буюкликка эришди. Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов жаноблари сафардан қайтгач, республика Туркия йўлини танлаганлигини эълон қилганликларининг ҳам боиси шундан деб ўйлайман.

Муфтий жаноблари учрашув пировардида камида йигирмата бухоролик ўспиринни Анқарага ўқишга юборишни таклиф этдилар. Нақшбандийларнинг вақф пули билан уларга таълим-тарбия бериш тўғрисида келишиб олинди. Шундай таклифларни мен мамлакатнинг бошқа йирик нақшбандий арбобларидан ҳам эшитдим. Айни маҳалда биз Туркияда таҳсил кўриш учун бир гуруҳ ёшлар танлови билан машғул бўлмоқдамиз.

— Бухорода нақшбандийлик ҳаракатини қайта тиклаш учун вилоят имомати томонидан қандай тадбирлар кўрилмоқда?

— Вилоят ҳокими Д. С. Ёдгоров жаноблари суфизмнинг туғбардорига муносиб иззат-икром кўрсатиб Баҳовуддин Нақшбандий мақбараси атрофини ободонлаштириш, барча ёдгорликларни таъмирлаш ва қайта тиклаш тўғрисида махсус фармойиш чиқардилар. Мазкур фармойишга асосан барча лойиҳалаш ишларини шу йилнинг 1 июлига қадар поёнига етказиш кўзда тутилган. Қисқа муддат ичида бу ерда янги ошхона ва чойхоналар, савдо расталари бунёд этилади. Муқаддас мақбара атрофида яна Бухорои шарифнинг энг гавжум жойларидан бирига айланади. Вилоят фуқароси бу хайрли ишга ўз ҳиссасини қўшиши шубҳасиздир.

Бироқ, Баҳовуддин Нақшбандий мақбараси нафақат Бухоро, балким Ўзбекистон, қолаверса, бутун ислом дунёсининг бебаҳо бойлигидир. Уни уч карра зиёрат қилиш бир карра ҳаж сафарига бежиз тенг қилинмаган.

Шундай экан, уни таъмир этишга ҳисса қўшиш ҳар бир мўмин-мусулмоннинг бурчидир. Баҳовуддин Нақшбандий мақбарасини таъмир этишга фақат ҳалол йўл билан топилган маблағлар қабул қилинади. Ўзбекистонни Ватан деб ҳисоблаган ҳар бир мўмин-мусулмон, у хорижда яшайдими ёки республикамизнинг туб аҳолиси вакилими, бу хайрли ишга ўз ҳиссасини қўшмоғи лозим. Шу мақсадда алоҳида ҳисоб очилди. Унинг адреси: «Бухоро шаҳри. ПСБ. 002700331».

Суҳбатимизнинг пировардида мен вилоятда сиз вакиллик қилаётган рўзнома меҳнат жамоасига чуқур миннатдорчилигимни изҳор этишни истар эдим. Бундан етти йил муқаддам рўзнома илк бор ўз саҳифаларида Баҳовуддин Нақшбандий мақбарасини таъмир этиш, зиёрат учун очиш масаласини ўз саҳифаларида кўтариб чиқиш учун журъат ҳосил қилган эди. Дарвоқе, бу мақола сизнинг қаламингизга мансуб эди. Яқинда «Ўзбекистон овози» рўзномаси улуғ зотнинг тарихига бир саҳифасини бағишлаб яна мўмин-мусулмонларнинг таҳсинига сазовор бўлди. Мана энди бўлса, мавзуни давом эттириб, ўлкада нақшбандий ҳаракатини тиклаш ташаббускори бўлаяпти. Бу хайрли ишларингиз учун Оллоҳ сизларни қўллагай!

— **Ташаккур!**

• Назм дафтаридан

ИСТИҚЛОЛ ГУЛИ

Қалбимда бир гул ўстирдим,
Ёнма-ён булбул ўстирдим.

Мафтункор куйларин тинглаб,
Басма-бас кўнгил ўстирдим.

Кўнглим шарбатин ичириб,
Вобаста норгул ўстирдим.

Орзулар яшнар бутоғда,
Жамиул жамил ўстирдим.

Жонисор — жони жисмимда,
Хушфеъли хушдил ўстирдим.

Шум сўзлар заҳридан зада,
Ҳушимни нуқул ўстирдим.

Эй, Сафо, сийнам сағрида,
Сайроқи булбул ўстирдим.

БИРЛИК ГАРАК

Дўстлар, эрк бўлмас бирликсиз, бирлик гарак, бирлик гарак,
Донғи чиққан кимнинг ёлғиз, бирлик гарак, бирлик гарак.

Кимки озод, эркин эрмиш, баҳна бўлмай* қизқин термиш,
Айрилганни айиқ ермиш, бирлик гарак, бирлик гарак.

Жалолиддин шоир этди, Амир Темур қарор этди,
Асрлар жон нисор этди, бирлик гарак, бирлик гарак.

Аждодлар руҳи шод бўлғай, ётган жойи обод бўлғай,
Орзулари бунёд бўлғай, бирлик гарак, бирлик гарак.

Бирлигимиз кетган куни — ўчирилди Жайҳун уни,
Йиғлар не бағри бутуни, бирлик гарак, бирлик гарак.

Бирликка тил теккизганлар, ҳурликка қўл теккизганлар,
Қорадилни «эмизганлар», бирлик гарак, бирли гарак.

Сафо Очил, вақтим тиғиз, тингланг, забони турк азиз,
Бўлайлик гўё бир мағиз, бирлик гарак, бирлик гарак.

Сафо ОЧИЛ.

х) Бахна бўлмоқ (хоразмча) — қарам бўлмоқ, тобе бўлмоқ.

ПУРҲИКМАТ ЭЛ БУ

Донишмандлар эл бу, пурҳикмат эл бу,
Ризқ улашган серҳикмат эл бу,
Яхшиларга дўст, улфат эл бу —
Юрсам арзир кўкрагим кериб.

Миллатимдан Алишер чиққан,
Жалолиддин мардларин йиққан,
Темур Малик жангда чиниққан —
Юрсам арзир кўкрагим кериб.

Мақтаб бўлмас нақот Темурни!
Ҳиндистон тан олган Бобурни!

Улар бизга берган ғурурни —
Юрсам арзир кўкрагим кериб.

Ном бердилар «Буюк мўғул» деб,
Севинаман жўмард, доғил деб,
Бўлдим унга содиқ ўғил деб —
Юрсам арзир кўкрагим кериб.

Ўғлониман навқирон, дуркун,
Талъат куним тугаса бир кун,
Жоним тикиб ушбу эл учун —
Ўлсам арзир кўкрагим кериб.

* * *

Терак тўғри бўлгани учун
Бўй чўзади юксак ва юксак,
Терак тўғри бўлгани учун
Биноларга бўлади тирғак.

Ёмон кечур эгрининг ҳоли,
Эгри шохни кесади боғбон.
Тўғри шохнинг кулур иқболи,
Уни чорлар бағрига осмон.

Тўғри бўлсанг, юртинг белига
Терак каби тирғак бўлурсан.
Тўғри бўлсанг, она элингга
Тепиб турган юрак бўлурсан.

Талъат СОЛИЕВ.



● Самарқанд холодильниклар ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Сино» акционерлик компаниясида халқ истеъмоли буюмлари тайёрлаш кенгаймоқда. Бу ерда чиқиндилардан кийим илгич ва металл дарвозалар, сополдан совға буюмлари ва болалар каравотлари, столча ва ишитиш қозонлари, батарея ҳамда бошқа буюмлар ҳам ясалмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Гальваника цехи ходими Фаҳриддин Баратов ўзи тайёрлаган аёллар тақинчоқлари билан. 2. Корхонада ишлаб чиқарилаётган совға буюмлари намуналари. 3. Ёғочдан ясалган ошхона ашёлари туркуми.

Р. ҒОФУРОВ [ЎзА] олган суратлар.

• СПОРТ • СПОРТ • СПОРТ

ҒОЛИБ АНИҚЛАНДИ

● Тошкентда шахмат бўйича бир неча кун давом этган республика чемпионати якунланди.

Олий лигачилар баҳсида бир йўла уч шахматчи 13 имконийтдан 8,5 тадан очко жамғариб, ғолибликка даъвогар бўлиб қолишди. Шунинг учун чемпионни аниқлашда кимнинг кўпроқ ғалабага эришгани инобатга олинди. Биринчи ўрин чирчиқлик Саидали Йўлдошевга берилди. Тошкентлик А. Колегштейн билан А. Блодштейнлар иккинчи ва учинчи ўринларни олишди.

ЙЎЛЛАНМАСИ НАҚД

● Геленжик шаҳрида бокс бўйича ёшлар ўртасида ўтказилган МДҲ турнири ниҳоясига етди.

Мусобақада МДҲ терма жамоасининг таркиб топтириш учун кучлилар сараланди. 111 нафар умидли боксчи иштирок этган бу мусобақада тошкентлик Д. Ёрбеков ҳам ғалаба қозонди. У 5—12 апрель кунлари ўтказиладиган Европа чемпионатига йўлланма олади.

ХАЛҚАРО БЕЛЛАШУВДА

● Минск шаҳрида таниқли эркин курашчи Александр Мадведев хотира-совғини учун халқаро мусобақа бўлди.

Мусобақада Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги курашчилари қатори Олмония, Исроил, Канада, КХДР, Корея Республикаси, Польша, Туркия ва Финляндиядан келган полвонлар ҳам ўзаро беллашдилар. Тошкентлик Руслан Хинчагов олтин медални қўлга киритган бўлса, Рамил Атаулин кумуш медални олди.

ФАХРЛИ ЎРИНЛАР

●Андижонда ёш самбочилар ўртасида ўтказилган Ўзбекистон биринчилиги тугади.

48 килограмм вазнли Ботир Жумагулов ғалаба қозонди. Унинг ҳамшаҳари тошкентлик Алексей Холтобин билан Илёс Абдулинлар иккинчи ва учинчи ўринларни эгаллашди.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

БИРИНЧИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

кафедралар бўйича бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: патологик физиология, одам анатомияси, 1-жарроҳлик стоматологияси, 2-ортопедик стоматология, болалар стоматологияси;

профессорлар: иқтисодий назария (0,5), фалсафа ва культурология (фалсафа бўйича), психиатрия, болалар жарроҳлиги, оторинолорингология;

доцентлар: одам анатомияси, дерматовенерология, факультет терапияси, шифокор назорати, даволаш машқлари ва физиотерапия, 2-терапевтик стоматология (2), 1-жарроҳлик стоматологияси, 2-ортопедик стоматология (2), болалар стоматологияси (3), фалсафа ва культурология (фалсафа бўйича);

катта ўқитувчилар: фалсафа ва культурология (культурология бўйича)) патофизиология, фармокология (2), жисмоний тарбия (4), рус тили (2), ижтимоий гигиена ва соғлиқни сақлаш;

ассистентлар: умумий ва биорганик кимё, биокимё (2), топографик анатомия билан оператив жарроҳлик (3), одам анатомиясии, болалар юқумли касалликлари билан юқумли касалликлар, эпидемиология курси бўйича, сил касаллиги, клиника доришунослиги, суд тиббиёти, умумий жарроҳлик (4), умумий гигиена, дерматовенерология (2), офтальмология, шифокор назорати даволаш машқлари ва физиотерапия, стоматология факультетида жарроҳлик касалликлари (3), стоматология факультетида ички касалликлар, 1-терапевтик стоматология, 2-терапевтик стоматология (4), 1-жарроҳлик стоматологияси (2), 2-жарроҳлик стоматологияси (3), 1-ортопедик стоматология (6), болалар стоматологияси (3), патологик анатомия (2), ҳарбий-далатерапияси ва гемотология;

ўқитувчилар: рус тили (2), ўзбек тили, олий ўқув юртига тайёрлаш факультети (биология шўъбаси—0,5), жисмоний тарбия (4).

ТАНЛОВ МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 700048, Тошкент шаҳри, Ҳамза кўчаси, 103-уй.

ТЕЛЕФОН: 67-74-97.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

Юридик маълумот зарур бўлган лавозимларда камида бир йил ишлаётган, олий маълумотга эга бўлган шахсларга юридик маълумот берувчи факультетига

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқиш шакли сиртқи, муддати — 3,5 йил.

Факультетга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар.

Ректор номига ариза;

Олий маълумот ҳақидаги диплом нусхаси;

Дипломга иловадан (баҳолар ҳақидаги ҳужжатдан) кўчирма;

Иш жойи раҳбариятининг тавсияномаси;

Меҳнат дафтарчасидан кўчирма;

3х4 ҳажмдаги 6 дона сурат;

Соғлиғи ҳақида маълумотнома.

Институт ҳисобига 20 минг сўм ўтказиш ҳақида институт ва корхона (муассасалар) билан тузилган шартнома.

Ҳужжатлар 1992 йил 10 апрелгача қабул қилинади.

Факультетга махсус тузилган комиссия ўтказган суҳбат натижасига биноан танлов асосида қабул қилинади.

Манзилгоҳимиз: 700047, Тошкент шаҳри, Карл Маркс кўчаси, 35-уй, Тошкент Давлат юридик институти.

ТОШКЕНТ АГРЕГАТ ЗАВОДИ

ташкилотлар, корхоналар ва алоҳида фуқароларга

Т—28Х4 тракторларининг эҳтиёт қисмларини, пахтани қайта ишлаш машиналарининг ҳар хил типдаги редукторларини ва шу редукторларнинг комплектларини

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Манзилгоҳимиз: 700057, Тошкент шаҳри, Уста Ширин кўчаси, 117-уй.

Телефонлар: 48-03-61, 48-69-25.

Тошкент агрегат заводи

«Союзреклама» акционерлик жамиятининг «Сарбон» реклама агентлиги.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон онкология ва радиология илмий-текшириш илмгоҳининг жамоаси кўкрак касалликлари бўлимининг катта ҳамшираси Ш. Иброҳимовага онаси

Нурихон НОСИРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент автомобиль ва йўллар олий билимгоҳи, автомобиль транспорти куллиёти раҳбариятлари «Автомобиллардан техник фойдаланиш» шўъбаси аъзоси, мазкур шўъба доценти Х. Мирзамамедовга онаси

Ҳосилхон ЙЎЛДОШЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; аҳлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Ғулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● 367.500 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № Г — 15.

№ 50.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 20.00 Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.